**Маиший қаттиқ чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш хизматини кўрсатиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 12**

**“10” Январь 2022 йил** **Улугнор тумани**

Амалдаги Низомига асосланиб фаолият олиб бораётган **Андижон вилоят “Тоза Худуд” ДУК** номидан иш юритувчи корхона директори **Ф.Низомов** (бундан буён матнда **“Бажарувчи”** деб юритилади) бир томондан, Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи Ободонлаштириш бошкармаси корхона директори А. Умурзаков (бундан буён матнда “**Буюртмачи**” деб номланади) иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда тузилар.

**1 ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ**

1.1 **“Буюртмачи”** нинг буюртмасига кўра, унинг худудидаги чиқиндихонадан каттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш учун **“Бажарувчига ”**га буюртма беради. **“Бажарувчи”** томонидан буюртма асосида қаттиқ, суюк чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш мажбурияти олинади. **“Буюртмачи” билан “Бажарувчи” ўртасида тузилган мазкур шартномага кўра, бажарилиши лозим бўлган ишларни тегишли меъёрий хужжатлар ва нормативлар асосида** кўрсатилган хизмат учун **“Буюртмачи”** хақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

| № | Бажариладиган ишлар хакида | Улчов бирлиги | Микдори | Контейнер ва Контейнерсиз | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | КМЧ ташиш хизмати | М3 | 24,58³ | — | 36600 | 899994 |
| | Жами: | | 24,58³ | — | 36600 | 899994 |

Шартноманинг бахоси (шартноманинг ажралмас қисми бўлган “Санитария қоидалари ва меёрлари”га кўра белгиланиб шартнома илова қилинади) **хар бир м3 учун** 36 600 **(ҚҚС билан) сўмни** ташкил қилади ва шартноманинг умумий бахоси Саккиз юз тўксон тўккиз минг тўккиз юз тўксон тўрт сўмни ташкил этади.

**2.1.** Чиқиндихонадан чиқиндиларни ташиб чиқариш юзасидан кўрсатилган хизматлар хаққи белгиланган тартибда тасдиқланган “ Санитария қоидалари ва меёрлари”га асосан хисобланади.

**2.2. “Буюртмачи”** шартномадаги умумий сумманинг 100 % ни олдиндан тўловни амалга оширади.

**2.3.** Томонлар мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар юзасидан ўзаро хисоб-китобларни тахлил қилиб, аниқланган қарздорликни ундириш чораларни кўриб боради.

**2.4. “Бажарувчи” “Буюртмачи”** билан келишган холда белгиланган жадвал асосида махсус чиқинди ташиш автомашинаси ўз муддатида юборилишини таъминлайди.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**3.1 “Буюртмачи”** нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

**3.1.1** Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш сохасидаги белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига экологик нормативларга риоя этилишини таъминлайди.

**3.1.2** Чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва кўмиб ташланишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

**3.1.3.** Чиқиндилар жойлаштирилган объектларнинг санитария ва экология холати устидан назорат олиб боради.

**3.1.4.** Ўзи жойлашган худудидаги чиқинди тўкиш учун белгиланган жой ( чиқинди ташлаш шахобчаси) га атрофидаги маиший чиқиндиларни ўзини кучи билан мунтазам равишда ташиб келтиришни таъминлайди.

**3.1.5** Чикиндиларни юклаш ва ташиш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилса 1 М3 чикинди учун тариф суммасини 75% микдорида “Бажарувчи”нинг хисоб ракамига утказиб беради.

**3.1.6.** Қурилиш натижасида ва йирик хажмда йиғилган чиқиндиларни ўз худудидан ташиб кетиш учун алохида хақ эвазига, шартномага Қўшимча келишув киритиб, хисоб китоб ишларини амалга оширади.

**3.1.7.** Барча турдаги чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилади.Чиқиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда **“Бажарувчи” га** зудлик билан ёзма хабар беради.

**3.1.8**. Кўрсатилган хизматлар хамда бажарилган ишлар учун шартномада белгиланган тартибда, муддатда ва миқдорида хизмат кўрсатувчига олдиндан бўнак (аванс) тўловларини амалга оширади хамда якуний хисоб-китобларни амалга оширади.

**3.2. “Бажарувчи”нинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

**3.2.1.** “Бажарувчи” маиший чиқиндиларни ўз траспорти ва кучи билан чиқинди ташлаш шахобчаларидан ташиб чиқариш ва махсус чиқиндихоналарга жойлаштиради. Чиқиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали ўзгарган холларда **“Буюртмачи” га** 24 соат аввал хабар беради.

**3.2.2.** Чиқиндиларни ўз вақтида ташиб чиқарилишини таъминлайди.

**3.2.3.** Кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган тартибда бўнак (аванс) пулларини қабул қилади ва якуний хисоб-китобларни амалга оширади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

**4.1** Томонлардан бири шартнома шартлари ва мажбуриятларини ўз муддатида ёки лозим даражада бажармаса, бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарани тўлайди. “Бажарувчи” “Буюртмачи” га шартнома мажбуриятлари бажармаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди, Тўланадиган пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% ортмаслиги керак.

**4.2** Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида хзақ тўланмаса хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% ортмаслиги керак.

**5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

**5.1.** Томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар келишув асосида хал этилади. Агар келишувга эришолмаган тақдирда хуқуқни мухофаза қилиш органлари ёки Иқтисодий суд орқали хал этилади.

## 6.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ

**6.1.**Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қонунчиликка риоя қилишни, улар, уларнинг ходимлари, афилланган шахслари, бенефициарлари ва бизнес ҳамкорлари, воситачилар, пудратчилар ёки ушбу шартномани бажариш учун бириктирилган вакиллар томонидан порахўрлик, пора бериш ёки воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимини коррупция харакатларига ундаш ва қонунчиликда назарда тутилган коррупция сифатида баҳоланадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмаслигини таъминлайдилар.
**6.2.**Томонлар бир бирларига тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали, асоссиз устунлик ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун пул маблағи, қимматбахо буюмлар, мулк ва мулкий хуқуқлар ёки бошқа турдаги моддий манфаатларни ваъда бериш, бериш, илтимос қилиш, талаб қилиш, олишга рози бўлиш, олиш, мансабдор шахсларнинг таъсир ўтказишига эришиш, шу жумладан Томонлар муносабатларининг ошкоралик тамойилларига мос келмайдиган бошқа харакатлардан тийиладилар.
**6.3.**Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги бўйича тегишли чора кўришни кафолатлайди. Томонлар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслари, бенефициарлари ва бизнес ҳамкорлари, воситачилар, пудратчилар ёки ушбу шартномани бажариш учун бириктирилган вакилларидан юқорида таъкидланган ноқонуний хатти-харакатлар гумони бўлса ёки ушбу харакатлар амалга оширилган тақдирда, зудлик билан ёзма шаклда (шу жумладан электрон почта орқали) бир-бирларига хабар бериш мажбуриятини оладилар

## 7.ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

**7.1. "Бажарувчи"** транспорт-техника ва иш кучи харажатларини ЁММ (ёнилғи мойлаш махсулотлари) нархи ўзагариши муносабати билан белгиланган тартибда **"Буюртмачи"** ёзма равишда олдиндан огохлантирилиб, кўрсатилаётган хизматлар қийматини ўзгартиришга хақлидир.

## 8.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

**8.1**. Хар бир тараф иккинчи тараф олдидан ўзига боғлиқ бўлмаган енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган холда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.
**8.2**. Хукуматнинг ваколатли органлари ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувохнамаси ана шундай форс-мажор холатини тасдиқловчи хужжат хисобланади.

## 9.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

**9.1**. Мазкур шартнома **2022-йил 31-декабргача** амал қилинади.
**9.2**. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб тарафлар имзолаганда сўнг ва белгиланган тартибда Ғазначилик тизимидан рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва хар-бир томондан бир нусхадан сақланади.

## 10.ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**«Б а ж а р у в ч и »**

Андижон вилоят «Тоза худуд» ДУК Улугнор филиали Обод МФЙ Янги чек махалласи
АТБ Агробанк Улугнор булими
х/р 20210000700781763005
МФО 00055
ИНН 304 937 910

Директор Ф.Низомов

Юрист: ______________

**«Б у ю р т м а ч и»**
**Улуғнор туман Ободонлаштириш бошкармаси**

Манзил: Улуғнор тумани маркази
Банк маълумотлари
Ғазна хисоб раками: 23402000300100001010
Улуғнор тумани бўйича Ғазначилик бўлими
Марказий банк Тошкент шахар ХККМ
МФО: 00014, ИНН 201122919
х/р 100022860032177065200110001
СТИР: 200273842: ОКОНХ 90211
тел: 747611347

Директор: ______________

2022 йил “10” Январь кунги 12-сонли
шартномага илова

# Каттик маиший чикинди ташиш микдори

| Ойлар номи | Бир м3 КМЧ нархи | КМЧ ташиш микдори жами м3 | КМЧ ташиш жами суммаси | Шундан туловлар манбаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бюджет хисобидан | Махсус хисоб ракамидан |
| Йил учун жами | Х | **24,59** | **899994,00** | **899994,00** | |
| **1-чорак** | Х | **24,59** | **899994,00** | **899994,00** | |
| Январ | 36600 | 8,19 | 299754 | 299754 | |
| Феврал | 36600 | 8,2 | 300120 | 300120 | |
| Март | 36600 | 8,2 | 300120 | 300120 | |
| **2-чорак** | Х | **0** | **0,00** | **0,00** | |
| Апрел | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Май | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Июн | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| **3-чорак** | Х | **0** | **0,00** | **0,00** | |
| Июл | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Август | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Сентябр | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| **4-чорак** | Х | **0** | **0,00** | **0,00** | |
| Октябр | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Ноябр | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |
| Декабр | 36600 | 0 | 0,0 | 0,0 | |

Изох: бюджет ташкилоти томонидан кўрсатилган хизмат микдори шартномада келишилган микдордан ортиб кетганда, ортикча кўрсатилган хизмат учун харажатлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташкари маблаглар хисобидан копланади.

**“Иш бажарувчи”**

Андижон вилоят Тоза худуд ДУК
Улугнор туман филиали
Манзили: Улуғнор туман маркази
Тел: ____________________
Агро банк Улугнор булими
Х.Р: 20210000700781763005
МФО: 00055 ИНН: 304937910

Рахбар:____________ Ф.Низомов
(имзо)

**“Бюджет ташкилоти”**

Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси
Манзили: Улугнор туман маркази
Тел: 7611347
Ш.Х.Р: 100022860032177065200110001
ИНН: 200273842 ОКОНХ: 90211
Улугнор туман буйича газаначилик булинмаси
Х/Р(ғазна): 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН:(ғазна) 201122919
Банк номи: Марказийбанк Тошкент шахар ХККМ

Рахбар:____________ А.Умурзаков
(имзо)

ектрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: PE1728160244

ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
ANDIJON VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
ULUG'NOR TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170400, Ulug'nortuman, Mustaqillikko'chasi 1-uy.
Тел.: (998 74) 761 10 23

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№

1. Loyihaning turi: **Shartnoma.**
2. Loyihaning nomi: **Toza xududga pul o'tkazish to'g'risida**

Ulug'nor tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va uning nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi rahbari **A.Umirzoqov** va Andijon viloyat "Toza Xudud" DUK Ulug'nor filiali nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi boshlig'i **F.Nizomov** o'rtasida tuzilgan umumiy summasi QQS bilan 899.994 (sakkiz yuz to'qson to'qqiz ming to'qqiz yuz to'qson to'rt ming) so'mlik 2022-yil 10-yanvardagi shartnoma.

3. Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, uni qabul qilish va ijroga qaratish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:** **X.Valiyev**